



SOME COMMENTS ON THE TYPOLOGY OF NOVEL AND STORY GENRES IN THE LITERATURE OF THE EASTERN PEOPLES

Abdurahim Mutalovich Mannonov

Doctor of Philological Sciences, Professor, Tashkent State University of Oriental Studies, Tashkent, Uzbekistan

Abstract: This article, prepared on the basis of the opinions expressed in the 9-volume monographic study “History of the Literature of the Peoples of the East”, created by scientists of Tashkent State University of Oriental Studies, is about the prepared prospectus for the new scientific project “Typology of prose genres in the literature of the peoples of the East”, which is planned to be implemented soon.

Key words: West and East, literary process, literary genre, novelism, “new novel”, literary movement, literary direction.

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИДА РОМАН ВА ҲИКОЯ ЖАНРЛАРИ ТИПОЛОГИЯСИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Маннонов Абдураҳим Муталович

*Тошкент давлат шарқшунослик университети ф.ф.д., профессори
Тошкент, Ўзбекистон*

Аннотация. Тошкент давлат шарқшунослик университети олимлари томонидан яратилган 9 жилдлик “Шарқ халқлари адабиёти тарихи”га оид монографик тадқиқотлардаги қарашларга асосланиб тайёрланган ушбу мақолада яқин келажакда амалга оширилиши режалаштириладиган “Шарқ халқлари адабиётида насрий жанрлар типологияси” номли янги илмий лойиҳа проспекти ҳусусида сўз юритилади.

Калит сўз ва иборалар: Ғарб ва Шарқ, адабий жараён, адабий жанр, романчилик, ҳикоячилик, новеллистика, “янги роман”, адабий оқим, адабий йўналиш.

Аннотация. В статье, опираясь на материалы 9-томного монографического исследования «История литературы народов Востока», созданном учеными Ташкентского государственного университета востоковедения, предлагается новый научный проспект «Типология прозаических жанров в литературе народов Востока».

Ключевые слова и выражения: Запад и Восток, литературный процесс, литературный жанр, романистика, «новый роман», новеллистика, литературное течение, литературное направление.

Кириш. Бугунги куннинг долзарб ходисаларидан бирига айланган глобаллашув жараёнлари ҳар соҳада кучайиб бормоқда. Ушбу жараённинг энг муҳим хусусияти жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳаларда янгича қарашлар ва янгича муносабатларни шакллантиришдан иборат бўлиб, унинг туб моҳиятида барча муаммоларни умуминсоний муаммо сифатида ҳал қилиш ётади.

Асосий қисм. Маълумки, ҳар бир Шарқ адабиёти жаҳон адабий жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади ва у жаҳон адабий тараққиётига хос умумий қонуниятлар, шунингдек, фақат унинг ўзигагина хос бетакрорлик ва миллийлик хусусиятига эга бўлади.

Шарқ халқлари ички дунёсида ўзгаришлар юз беришининг сабабларидан бири ҳам ана шу глобаллашув жараёни ҳисобланади. Бу ўз навбатида, адабий жараёнлар, хусусан адабий жанрларда акс этади ва у жанрлар типологияси масаласини адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидан бирига айлантиради.

Дарҳақиқат, жанр ёзувчи ва китобхон ўртасидаги восита сифатида адабий жараённи доим тирик, ҳаракатда ва ўзгаришда бўлишини таъминловчи ҳодиса эканлиги маълум. Шу билан бир қаторда, Бахтин таъкидлагани каби “адабий жанр, ўз табиатига кўра, адабиётнинг азалий тараққиёт тамойилларини ўзида акс эттирувчи ягона ҳодиса ҳисобланади”.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, жанрлар масаласи жаҳон адабиётшунослигининг жуда мураккаб, доимо “тирик” мавзуларидан бири бўлиб, муҳим назарий қарашлар сирасига киради. Энг қадимги даврларданок адабиётшунослик пайдо бўлибдики, жанрлар вужудга келиши, асосий композицион-шаклий ва мазмуний белгилари, таркиби, типлари, турли замон ва маконлардаги тараққиёти ҳақида фикрлар алмашинуви ҳамон жадал давом этиб келмоқда. Гарчи қайсидир (шеърӣ) жанрлар ҳақида умумий хулоса ва эътирофларга эришилган бўлсада, насрий (ҳикоя, новелла, қисса, роман каби) жанрларнинг жамият тарққиётидаги ўзгаришлар, ўша глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ масалалар боис у ёки бу хусусиятлари борасида хулосалар, ёндашувлар ҳам кўп ҳолларда нисбий, тугалланмаган кўринишга эга бўлиб қолаётганлиги ва масала юзасидан янги-янги баҳслар давом этаётганлиги кузатилади.

Бундай баҳсу мунозаралар ичида энг кескинлари, “охирига” етмай қолаётганлари кўпроқ роман жанри, “роман” атамаси, унинг генезиси, этимологияси, жанрнинг ривож, тарихи, ҳатто “ўлими” атрофидаги мунозарада аниқ кўринади. XX асрнинг 60-йилларида П.Декснинг анча баҳсларга сабаб бўлган “Романнинг етти асри” номли монографиясида роман атамаси “аниқлаб бўлмайдиган термин” дейилиши [1, 1962], америкалик олим Д.Людвигнинг “Охирги Америка романлари” [2, 1962] китобида романнинг “ўлими” ҳақидаги “башоратлари” ўша кезлардаёқ бу жанр номи ва умуман феномени ҳақидаги баҳсларни авж олдириб юборган эди. Айнан шу типдаги

баҳслар ҳозирда деярли барча шарқ халқлари адабиётшунослигида ҳам кузатилади. Йирик назариётчи рус олими М.Бахтин эса роман жанри, унинг ўзгаришларга учраётган типлари ва хос хусусиятлари ҳақида жумладан шундай ёзади: “Изучение романа как жанра отличается особыми трудностями. Это обусловлено своеобразием самого объекта: роман – единственный становящийся и еще не готовый жанр. Жанрообразующие силы действуют на наших глазах: рождение и становление романного жанра совершаются при полном свете исторического дня. Жанровый костяк романа еще далеко не затвердел, и мы еще не можем предугадать всех его пластических возможностей” [3, 447].

Бу фикрнинг айна ҳақиқат эканлигига Шарқ халқлари адабиётларидан ҳам аниқ мисолларни келтириш мумкин. Масалан, Афғонстондаги дарий ва пашту адабиётида роман типига асарнинг айна маънодаги бир неча: “рўмон”, “новелл”, “достон”, “қисса” каби номланишини кузатиш мумкин. Покистон пашту романлари ҳам шундай номланади. Бу мамлакатлар адабий танқидчилиги ҳикоя ёки новеллага нисбатан ҳам айна маънода турли атамаларни қўллаб келадилар.

Албатта, бу кичик мақолада юқорида эслатилган баҳслар ҳақида батафсил тўхталиш ниятимиз йўқ. Лекин кўпроқ ғарб романчилиги материалига асосланган умумназарий қарашларни эътиборга олган ҳолда роман ва ҳикоячилик, новеллалар типологияси масалаларига оид Шарқ халқлари адабиётидаги насрий жанрлар (роман, ҳикоя) тажрибаси асосида алоҳида тадқиқотлар режаси бўйича мулоҳазалар таклиф этилаётган экан, шуни таъкидлашни истардимки, Шарқ халқлари адабиётидаги насрий жанрлар тараққиёти тажрибасини типологик нуқтаи назардан умумлаштириш, **“шарқ романи”**, **“шарқ новелистикаси”** каби атамаларни у ёки бу мамлакат адабиёти мисолида асослаш, бу жанрларнинг жаҳон романчилиги ва новеллистикасига қўшиб келаётган ҳиссалари ва ўзига хосларини тадқиқ этиш ортидан шарқ адабиётларининг дунё адабиёти насрчилигидаги ўрнини белгилаб олишга ҳам олиб келади, деган фикрдамиз.

Турли мамлакатлар ижтимоий сиёсий ҳаётида юз бераётган жадал ўзгаришлар бадий адабиёт саҳифаларида ҳам кескин ўзгаришлар юз беришига олиб келмоқда. Бу ўзгаришларни биз адабий жараёнларга кириб келаётган (Ғарбда бошланиб, Шарққа қисман ўзгарган ҳолда ўтувчи) турли хил янги оқим ва йўналишларда (масалан, акмеизм, футуризм, кубизм, лучизм, гиперреализм, фотореализм, неоабстракционизм, интеллектуализм ва бошқа бир қатор “изм”лар) ва уларнинг ўзаро рақобатбардошлик курашларида кузатишимиз мумкин.

Ўз-ўзидан маълумки, жамиятдаги ҳар қандай **онг ўзгариши**, айтилганидек, даставвал, қайсидир жанрга оид бадий асарларнинг мазмунида акс этади. Янги турдаги бу асар, адабий танқидчилар ва адабиётшунослар томонидан мавжуд жанрнинг янгича бир тури ёки жанр ривожининг янги бир босқичи сифатида баҳоланади. Шу боис, юзага келган янги оқим ва мактаблар жанрлар тизимидаги ўзгаришларни аввалги даврларга нисбатан жадаллашаётгани кузатилмоқда.

Демак, жамият ҳам, унга узвий боғлиқ бўлган адабий жараёнлар ҳам доимий ўзгаришда, ривожланишда бўлиб, бу жараён **абдийдир**. Бу турдаги ижтимоий,

сиёсий ва маданий ўзгаришларнинг адабиётдаги инъикосини барча Шарк мамлакатлари адабиётида кузатиш мумкин. Масалан, ўзининг бир неча минг йиллик тарққиёти тарихига эга бўлган Ҳиндистон халқлари адабиётида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида замонавий насрий жанрларнинг вужудга келиши ва ривожини алоҳида ўрин тутди. Айнан шу даврларда замонавий романчилик ва ҳикоянависликнинг дарғаларидан бўлган буюк Р.Тагорнинг романчиликдаги анъаналари кейинчалик ҳинд, бенгал, урду романчилиги ва ҳикоянавислигида давом этганлиги ва яна ўнлаб йирик ёзувчиларнинг ҳам етишиб чиққанлиги маълум. Бу мамлакат халқлари бошига тушган узок муддатли мустамлакачилик асоратлари ва ундан кейинги ижтимоий, сиёсий бўҳронлар, жамиятнинг янада чуқур ва кескин табақалашуви жараёнлари таъсирида вужудга келган роман ва ҳикоячиликка назар ташланса, бу жанрларнинг беҳисоб маърифатчилик ва ўткир ижтимоий сюжетларга бой намуналарини кўриш, янги-янги типдаги шакл, услубларда ёзилган роман ва ҳикояларга дуч келиши мумкин.

XX асрнинг иккинчи ярим ҳинд романчилиги ва новеллистикасида ижтимоий масалаларнинг кенг қамровли ёритилабориши бу жанрларнинг муҳим ва етакчи мавзуларига айланди ва шунга мос равишда романчилик ва ҳикоячиликда янгича бадиий ва шаклий изланишлар вужудга келганлиги таъкидланади. Жумладан, XX асрнинг иккинчи ярми Ҳиндистон халқлари адабиётида ижтимоий масалаларга нисбатан қарашларнинг ўзгариши “зудлик билан” ҳикоя жанрида ўз аксини топди ва адабий жараёнга “янги ҳикоя” деган янги йўналиш кириб келди.

XX аср охири ва XXI аср боши ҳинд ижтимоий сиёсий қарашларида “далит”лар масаласи, яъни паст табақа вакиллариининг жамиятдаги ўрни ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда аёллар муаммоси ҳам етакчи ўринга чиқа бошлади. Бу масала адабиётдаги кўпгина насрий жанрларга кириб борди ва бугунги кун ҳинд адибларининг қалами далит масаласига қаратилган асарлар яратиш бўлса, адабий танқидчилар ва адабиётшуносларнинг асосий вазифаси бу асарларни назарий ва танқидий жиҳатдан тадқиқ этишга қаратилмоқда. Ёки 1978 йил Афғонистонда рўй берган йирик сиёсий-ижтимоий “инқилобий” воқеалар пашту ва дарий тилларидаги “янги шеър” билан бирга ҳикоя жанрининг такомиллашган жанрий хусусиятга эга “янги ҳикоя”ларнинг жадал ривожига олиб келди.

Яна бир мисол: тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, Ўрта асрлар араб адабиётидаги мақома, биродарлик номалари, сафарнома, ишқий лирика каби жанрлар араб романчилигига асос бўлган бўлса, XX асрнинг 50-йилларида бугунги замонавий тушунчамиздаги роман жанрининг қатор турлари шаклланди, лекин 60-йилларига келиб, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятларнинг адабий жараёнга таъсири натижасида, жумладан, Миср адабиётида мазмун ва шакл жиҳатдан жиддий ўзгаришлар юз бериши оқибатида “янги роман” деган ўзига хос янги жанр шаклланди. Бу ҳодиса кўп ўтмай Миср адабий жараёнларидан четга чиқиб, бошқа араб мамлакатлари адабиётида ҳам намоён бўла бошлади.

Кўп асрлик Эрон адабиёти тараққиёти мисолида айтиш мумкинки, романчилик қадимги форс адабиёти, антик даврларга хос бўлган романчилик шаклидаги сюжет чизиқлари илк бор сосонийлар сулоласи асосчиси билан боғлиқ

ишқий саргузаштлар баён қилинган “Ардашер Панакон корномалари” қиссаси ҳамда “Вис ва Ромин” каби асарларда кўринади. Форс адабиёти, хусусан, X-XV асрлар мумтоз насрида роман жанрига хос бўлган баёнчилик, интрига ва мотивация яшаш хусусиятларини ўзида мужассам қилганлиги билан характерлидир. Жумладан, X-XIII асрларда вужудга келган “Абомуслим”, “Дарабнома”, паст табақадан чиққан тадбиркор, айёр, товламачи ва қаллоб образи ифодаланган “Самаки айёр” каби катта ҳажмдаги сюжетли қиссалар ҳам кўп жиҳатдан ўша даврлар тарихий шароит ва воқеликлари билан боғлиқ бўлиб, форс адабиётидаги дастлабки роман типидagi асарлар сирасига кириши тадқиқотларда исботланган. Юқорида зикр этилган қадимги ва ўрта асрларга мансуб форс тилидаги уч асарда айнан қалтис, қутилмаган натижаларга олиб борувчи, саргузаштли воқеаларга бой, шу билан бирга реал ҳаётий-маиший чизгилар орқали ифодаланган реалликлар билан узвий боғланиб кетган индивид, шахс ва ижтимоий муҳит орасида ўзаро тўқнашувларни, қарама-қаршиликларни ҳикоя қилган сюжет чизикларидан иборатдир.

“Дарбнома” ўрта аср Фарб рицарлик романчилигига хос чигални ва мураккаб ишқий интригаларни ўзига мужассамлаштириш билан характерлидир. Ишқбозлик интригасининг ёрқин намунаси ҳисобланган ва форс, дарий, ўзбек оғзаки ва ёзма романчилик хусусиятларига эга бўлган, ишқий интригаларга бой “Сайфулмулк”, “Баҳром ва Гуландом” қиссалари (романлари) ҳам ўз сюжет ва композицион қурилиши, ровийнинг маҳоратли баёнчилик услуби ва яна бир қатор формал-шаклий унсурлари билан айнан роман жанрининг илк намуналари сифатида қаралади ва қадимдан анъанага кирган форс насрчилиги романчиликка хос бўлган яна ўнлаб асарларни то XIX асрларгача давом эттириб келди.

Таъкидлаш жоизки, айнан XIX асрнинг охири XX асрнинг биринчи ўн йиллиги Эрон насрида ўтиш даври ҳисобланади. Бу давр классик анъаналар замирида янги турдаги насрий асарлар яратишга интилиш билан характерланади. Бундай интилишлар меваси сифатида насрий саёҳатнома (сафарнома), ижтимоий-сиёсий рисолалар, эпистоляр жанр, публицистик роман, янги типдаги ҳикоя жанри, фельетон, памфлет сингари жанрлар пайдо бўлди. Булар, ўз навбатида, Эрон бадий насрининг жадал суратлар билан ривожланишига туртки берди.

XX аср Эрон ҳаётида жуда катта тарихий воқеалар бўлиб ўтган давр сифатида алоҳида ажралиб туради. 1905-1911 йиллардаги инқилоб, 50-60-йиллардаги миллий озодлик ҳаракатлари, 1979 йилдаги Ислом инқилоби ва 1979-1989 йилларда содир бўлган Эрон-Ироқ уруши адабий жараёнларга, хусусан, жанрлар тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Натижада, **“адабиёте жанге тахмилиий”** (“мажбурий жанг адабиёти”) сингари йўналишларнинг пайдо бўлиши ва роман жанрининг етакчи мавқени эгаллашига олиб келди. Таниқли адабиётшунос олим Жамол Мирсодиқий XX асрнинг сўнги чорагида Эронда 40 дан ортиқ роман тури борлигини қайд этади. Роман адабиётда магистрал жанр сифатида мамлакат ҳаётининг энг қайноқ нуқталарни, йирик ижтимоий-сиёсий воқеаларни акс эттирувчи ойнага айланди. Бу жараёнларни типология нуқтаи назаридан махсус тадқиқот сифатида ўрганиш бугунги эроншунослар олдида турган энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

XIV асрлардаёқ “Уч ҳукмдорлик”, “Дарё қирғоғидаги корхоналар” каби йирик

тарихий-сиёсий роман-эпопея жанрларининг ажойиб намуналарини яратган Хитой мумтоз адабиёти узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтганлиги маълум. Аммо XX асрнинг 50-йилларидан эътиборан коммунистик ғоялар таъсири остида тарихий-революцион асарлар, сохта реализм талабларига мос романларнинг типлари вужудга келганлиги ҳам маълум. Бу жараён 70-80-йиллар оралигида Ден Сиё Пин бошлаб берган туб ислохотлар давригача давом этади. Ҳозирда бу мамалакат адабиёти романчилигида Ғарб романчилиги тажрибалари асосида бу жанрнинг ўнлаб янги тур ва типлари яратилган ва ҳатто, минтақада Япония **интернет** романлари қатори, хитой тилида ҳам ўзига хос жанрий ва типологик хусусиятларга эга бўлган беҳисоб интернет романлари оқими вужудга келдики, бу масалалар тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб қилмаслиги мумкин эмас. Чунки XXI асрнинг биринчи чораги, тўғрироғи охириги 20 йил ичида Хитой интернет романи, Америка блокбастерлари, япон анимелари ва корейс телесериаллари билан бир қаторда йирик ва тез ривожланаётган, ўзига хос жанрий белгиларга эга бўлган адабий ҳодисага айланиб улгурди.

XVII асрдаёқ алоҳида жанр сифатида кенг ёйилган ва ҳаётий-маиший, ишқбозлик, самурайлар ҳаётига оид мавзулар доирасида яратилган сюжетли Япон ҳикоя ва новеллалари ўз номлари ва жанрий белгилари билан бир неча бир-бирдан фарқ қиладиган турларга бўлинган бўлиб, бу асарлар то XIX асрнинг охиригача қадар етакчи ўринда бўлганликлари маълум.

XIX асрнинг 30-40-йилларида охиригача пайдо бўлган ва дастлаб сентиментал характердаги илк япон романлари, кейинчалик биринчи навбатда Ғарб романчилиги, жумладан, рус романчилиги таъсирида кенг ривож топади. Ҳозирда замонавий япон романининг бир неча жанрий типлари, шу жумладан “янги роман” ва “интернет, аниме роман” типлари кенг тараққий этмоқда.

Турк адабиётида эса насрий жанрлар типологияси, хусусан, романчилик масаласи алоҳида ва кўп меҳнат талаб қиладиган мавзудир. Чунки яқин шарқ мамлакатлари адабиётлари орасида, фикримизча, турк адиблари яратган романларнинг юксак бадиий савияси, мавзулари кўлами, жанрий тур ва типларининг салмоғи билан беллашадиган адабиёт саноклидир.

Натижалар ва муҳокама. Умуман олганда, шарқ халқлари адабиётларида роман жанрининг шаклланиши ва эволюцияси кўп жиҳатдан Ғарб романчилигига хос хусусиятлар билан бирга, ўзига хос узоқ тарихий тараққиёт босқичларини бошидан кечирган ва катта тажрибага эга бўлган Ҳинд, Араб, Туркия, Эрон, Хитой, Япония, Корея каби ва нисбатан кейинроқ романчилик анъаналарига эга бўлиб бораётган, масалан Афғонистондаги дарий, пашту ҳамда урду, вьетнам тилларидаги романчилик ҳаракатларининг ривожланиш жараёнларида романга бўлган **канон** талаблари қатори, сюжет-композиция, шаклий эврилишлар, экспериментлар, онг оқими, психологизм, индивидуализм, мифологизм билан боғлиқ масалаларнинг бу жанр қолипига жиддий ўзгаришлар олиб кираётганлиги, ўзига хос, “шарқона” тарзда бўй кўрсатганлиги маълум ҳодисадир.

Режалаштирилаётган лойиҳада хорижий шарқ мамлакатлари романчилигининг ҳар бир адабиёт кесимида ва адабиётлараро йўналишда қуйидаги жиҳатларни тадқиқ этишга эътиборни қаратиш таклиф этилмоқда.

Булар, **биринчидан**, Шарқ халқлари адабиётида роман жанрининг

генезиси, унинг келиб чиқиши ҳақидаги Шарқ ва Ғарб олимларининг назарий қарашлари, роман шаклланишига туртки бўлган адабий ҳодисалар, роман жанрининг тараққиёт босқичлари, роман жанри бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари билан танишиш, мавзу юзасидан библиография тайёрлаш, илмий мақолалар, монографиялар чоп эттириш каби ишлар амалга оширилади;

Иккинчидан, Шарқ халқлари адабиётида XIX асрнинг охири XX асрларда яратилган роман турлари – тарихий, таҳлилий, биографик, фалсафий, мистик, саргузашт, мифологик, фантастик, сатирик, маиший, интернет романлар, ёзувчининг ижодий методи каби масалалар бўйича изланишлар олиб бориш, илмий хулосалар қилиш ва шу асосда мақолалар нашр эттириш режалаштирилади;

Учинчидан, Шарқ романчилигига Ғарб романчилигининг таъсири, XX асрда шаклланиб, ривожланган турли адабий оқимлар ва йўналишларнинг роман жанрига таъсири, модернистик романлар, сюрреалистик, неореалистик, психологик ва бошқа турдаги романлар, уларнинг мазмунида акс этган шарқ миллий ва маданий қадриятлари, Ғарбга хос элементлар ўрганилади;

Тўртинчидан, янги типдаги романлар: диалогия, роман-трилогия, “янги роман”, “қисқа роман”лар масаласи, уларнинг ғоявий йўналиши, сюжет ва композицион қурилиши, образлар тизими, образлар трансформацияси, ижодкор услуби, тили, структур, стилистик ўзига хослик каби масалалар доирасида тадқиқотлар олиб бориш ва илмий мақолалар, монографиялар нашр эттиришлардан иборатдир.

Ҳозирда Шарқ мамлакатлари адабий жараёнларида тезлик билан содир бўлаётган янгиланишлар Ғарб ва Шарқ мамлакатлари мутахассислари ва олимларининг эътиборини ўзига жалб этиб, бу масалаларни улар бугунги кун шарқ адабиётининг долзарб муаммолари сифатида ўрганиб, шу даврда ва шу йўналишларда яратилган бадиий асарларни мутолаа қилиш орқали ўзларига шарқ жамиятида юз бераётган янгича қарашлар, янгича бадиий талқинлар, янгича мавзу ва образларни кашф қилмоқдалар. Бу масалаларни тадқиқ қилишда ҳамон етакчи ва ҳозиржавоб жанрлардан бўлиб қолаётган ҳикоя, новеллаларнинг катта, кичик (жажжи) ҳажмдаги турлари қўл келмоқда.

Ҳикоя, новелланинг ҳам бошқа жанрлар каби ички жанрий оламининг ўзгарувчанлиги ва турли миллий адабиётлардаги ўзига хос жанрий хусусиятларига эга эканлиги бу жанрларни аниқ тизимга солиш ва гуруҳларга ажратиш (классификация) ишини мураккаблаштиради, албатта. Ю.В.Стенников таъкидлаганидек, “жанрлар типологияси тизимини шакллантиришда субъективлик ва тасодифийлик хавфи доимий равишда сақланиб туради”.

Бундан ташқари, ҳикоя, новелла жанри ҳам турлича тарихий даврларни ўз ичига олади, яъни айрим жанрлар универсал ва айримлари даврий аҳамият касб этади (масалан, хинд адабиётидаги “варта” жанри). Лекин, барча жанрларда, албатта, ўзига хослик хусусияти бўлиб, у кўпроқ бадиий асарлардаги миллийликда намоён бўлади.

Роман каби ҳикоя, новелла жанрини типологияси шунинг учун ҳам долзарб муаммолардан биридирки, уларнинг генезисини ўрганадиган бўлсак, турли миллий адабиётлардаги ўзаро муштарақликлар ва фарқли жиҳатлар аниқ кўзга ташланди ва улар асосида биз жаҳон ҳамжамиятидаги глобаллашув жараёнларнинг асосини адабиёт орқали кузатишимиз мумкин. Масалан, новелла жанри генезиси олинганда, араб адабиётидаги сеҳрли эртақларда айтарли ҳеч қандай ғайритабиий ҳодисалар эмас, аксинча, уларнинг мазмунида авлоддан авлодга ўтиб боровчи асар қаҳрамонининг ҳаёт йўлини, тақдирини белгилаб берувчи анъаналар, расм-русумлар (масалан, ташаббус ва унинг тўй маросимига айланиши) акс эттирилади. Уларда Ғарб адабиётидаги айнан худди шундай эртақ новеллалардагидек бўртиб тургани, сеҳргарлик мотивлари, ғайритабиий ҳодисалар деярли кўзга ташланмайди. Ғарбда новеллаларнинг асоси латифалар деб ҳисобланса, Ҳиндистонда латифалар билан бир қаторда масаллар ҳам новеллаларнинг асоси дейилади.

Хитой адабиётида новелла генезисидан мифологик дoston, яъни самовий кучлар, оламдан ўтганларнинг руҳи ва ёвуз кучлар билан мулоқотга киришган қаҳрамонлар тасвирланган асарлар етакчи роль ўйнаган ва новеллаларда сеҳрлилик мотиви узоқ тарихий даврларгача унинг ажралмас қисми бўлиб келган.

Бироқ, Ғарб новеллаларидан фарқли ўлароқ, сеҳрлилик мотиви новелла қаҳрамони шахсияти шаклланишининг асоси сифатида иштирок этмайди, улар фақат ажойиблик ва қизиқарлилиқни таъминловчи элемент сифатида иштирок этади. Шу боис, ўрта аср хитой новеллалари “**чжигуай**”, “ажойиботлар ҳақида ҳикоялар” ёки “**и-вэн**”, яъни “эшитилган ажойибот” деб номланган.

Хитой адабий насрчилигига асос бўлган кичик жанрлардан **хуабэнь**, **бяньвень**, **чуаньци** жанрлари тарихий келиб чиқиши ва ривожланиш босқичлари ўрганилса, бунда бошқа Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония ва Корея адабиётига ҳам бу жанрларнинг таъсирини кузатамиз. Мазкур кичик жанрлар кейинчалик Хитойда роман пайдо бўлишига ҳам таъсир кўрсатди. Жанрнинг ўзига хослиги унинг композицион қуруми, образлар тизими, сюжетлар кетма-кетлигида намоён бўлади. Фольклор анъаналарининг сақланиб қолганлиги ҳам ушбу жанрнинг ўзига хослигини белгилайди.

Ҳинд новеллаларига асос бўлган **масаллар** (хусусан, “Панчатантра”) ва сюжетида, аввал, ғайритабиий ҳодисалар, эркак ва аёл муносабатлари (“Шукасаптати”, “Веталопанчовиншати” ва б.) кучли тасвирланган бўлса, кейинчалик сюжетнинг бу томонлари сусайиб маиший воқеаларни тасвирлаш кучайиб ҳикоянинг яхшилиқ билан яқунланишни таъминловчи панд-насихатларга ўрин берган. Лекин, ҳинд новеллаларидаги насихатгўйлик, ҳажвийлик ҳақиқий новеллага хос мустақил қаҳрамонларнинг шаклланишига тўсқинлик қилиб келган.

Араб адабиётидаги “1001 кеча” хинд-форс адабиёти таъсирида шаклланган асар бўлиб, араб новелласи шаклланишида ўзига хос аҳамият касб этган. Лекин, араб новелласида сеҳр ва латифага хос элементлар анчагина сусайган ва новелла талабларига бўйсундирилган ҳолда шаклланган. Айрим ишқий мавзудаги араб новеллалари хитой адабиётидаги Тан даври новелларига ўхшаб кетади. “Макома” жанридаги айёрлик сюжетида

асосланган (плутовские) араб романлари хитой фирибгарлик романларидан кўра юқориқ даражада, ҳатто, айрим ҳолларда Ғарб плутовский романларидан ҳам юқори даражада яратилганлигини кузатиш мумкин. Ғарбда новелланинг шаклланиши Уйғониш даврига, Бокаччонинг “Декамерон” асари яратилиш даврига тўғри келади. “Декамерон” ҳикояларини араб ва хитой новеллалари билан қиёслаш Ғарб ва Шарқ орасидаги фарқни аниқ кўрсатиб беради. Бунда Ғарб новеллалари персонажларининг фаоллиги ва шарқ персонажларининг сусткашлиги аниқ кўзга ташланади. Туркия, Афғонистон, Корея, Эрон ва бошқа барча шарқ мамлакатлари адабиётида ҳикоя, новелла жанрининг ривожланиш босқичларининг ўзига хослиги ва жанр яратиш тажрибаси ҳақида ҳам кўплаб мисол келтириш мумкин.

Хулоса. Юқорида баён қилинган фикрлар асосида хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, адабиётдаги ҳар бир жанр ҳам мустақил, ҳам ўз тарихий илдизига боғланган, ҳам замон нафаси билан ҳамоҳанг равишда ривожланади. Демак, жанрни ўзгарувчан ва доимий ҳаракатда бўлган адабий ҳодиса дея таърифлаш мутлақо тўғридир. Шундай экан, уларни қиёсий ўрганиш бугунги кунда жаҳон адабий жараёнларини тўғри англаш ва тўғри баҳолаш учун зарур изланишлардан биридир, дейиш мумкин.

Демак, жанрлар типологияси билан боғлиқ кейинги илмий ишларда ХХ аср охири ва ХХІ асрда шарқ халқлари адабиётида шаклланган янги турдаги насрий жанрлар, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш асослари, жанрларнинг ўзига хос, муштарак жиҳатлари, Шарқ жамиятидаги турли ижтимоий сиёсий ўзгаришларнинг бадий асарларнинг жанр хусусиятларига таъсири сингари масалалар ишончли манбалар асосида қиёсий таҳлил қилинади ва бу асосда миллий ва жаҳон адабий жараёнларининг адабиётда акс этиб бориши ва уларнинг китобхонлар онгига таъсир доираси ўрганилади. Мазкур тадқиқот ишлари бизга жаҳон маданияти глобаллашув жараёнида шарқ халқлари адабиётининг тутган ўрнини, турли миллий адабиётлардаги ўзаро муштаракликларини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Илмий лойиҳа доирасида амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишлари шарқ халқларини ўзбек адабиёти ва унинг ички олами билан таништириш билан бир қаторда ўзбек миллий адабиётининг жаҳон адабий жараёнига кириб боришини тезлаштиради.

Давлатимиз раҳбарининг ўзбек адабиёти саҳифаларидаги ноёб асарлар билан жаҳон ҳамжамиятини таништиришдек муҳим вазифаларни соҳа мутахассисларига топшираётган бир пайтда шарқ халқларини ўзбек адабиётининг таниқли шоир ва ёзувчилари ижоди, уларнинг миллий маъаният ва қадриятларимиз акс этган сара асарлари билан таништириш ва уларни шарқ халқлари адабиётининг шу турдаги бадий асарлари билан қиёслаб ўрганиш шарқшунос олимларнинг бугунги кундаги долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР.

1. Декс П. Семь веков романа. – М., 1962.
2. Ludwig J. Recent Amerikan Novellists. New York, 1962.
3. Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. М., 1975, 447 с.

4. 9 жилдлик “Шарқ халқлари адабиёти тарихи” илмий тўплами.